

НОТИПИК МИКОБАКТЕРИЯЛАР ЮҚТИРИЛГАН БУЗОҚЛАРНИНГ ИММУНОКОМПЕТЕНТ ҲУЖАЙРАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Маълумки, ҳайвонлар, айниқса қорамоллар, патологиясида нотирик микобактерияларнинг роли на тутган ўрнига жиддий эътибор берилмайди. Бу, эҳтимол, мазкур кўзгатувчилар турли гуруҳлари нотирик микобактерияларининг патоген хусусиятларини кенг ва чуқурроқ ўрганиш учун тажрибалар ўтказишга зарурат туғилади.

Шу заруратдан келиб чиқиб, ўтказилган тажрибамиз мазкур кўзгатувчиларнинг бузоқлар иммун тизимига кўрсатадиган таъсирини ўрганишга бағишланди.

Тажрибада 6-10 ойлик 20 бош бузоқ 6 гуруҳга бўлинди ва уларга куйидаги нотирик микобактериялар (1 кг тирик вазнга 5 мг микдорида бурун бўшлиғига) юқтирилди: I-IV гуруҳларга мувофик равишда *M.kansasii*, *M. scrofulaceum*, *M.infacellulare* ва *M.fortuitum* эталон штаммлари; V-гуруҳга-Ўзбекистон ҳудудида ажратилган *M intracellulare* эпизоотик штамми; VI-гуруҳ - назорат гуруҳи.

Қон таркибидаги иммунитет учун маъсул Т- ва В- лимфоцитларнинг кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида кўзгатувчилар юқтирилганидан сўнг 10, 20, 30, 40, 60 ва 90 кун ўтгач, тажрибадати бузоқлардан текшириш учун қон олинди. Текширишлар "Йирик ва майда шохли молларнинг қони, оғиз сути ва сутидаги Т-, В- лимфоцитлар ва моноклеар фагоцитларни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар"га (Омск, 1981 й.) асосан ўтказилди.

Кўзгатувчилар юқтирилишидан олдин соғлом бузоқлардан олинган қоннинг таркиби ўрганилганда Т-лимфоцитларнинг микдори лимфоцитлар умумий микдорининг 46-50 фоизини, қоннинг умумий таркибида эса бир мкл да 1,8-2,2 минг донани ташкил этиши аниқланди. В-лимфоцитлар бўйича эса бу кўрсаткичлар мувофик равишда 14-19 фоизга ва 0,58-0,8 мкл/минг донага тенг бўлди. Мазкур кўрсаткичлар жадвалларда келтирилган.

Кўзгатувчилар юқтирилгандан сўнг 10-30 кун ўтгач, Т- ва В-лимфоцитлар микдорининг кўпайиши унчалик сезиларли бўлмаса-да, 40-кунга келиб, уларнинг микдори назорат гуруҳидаги бузоқларга нисбатан 1,2-1,3 марта ошиши аниқланди.

Т- ва В- лимфоцитларнинг энг юқори кўрсаткичлари кўзгатувчилар юқтирилгандан сўнг 90 кун ўтгач қайд қилинди. Бунда тажриба гуруҳидаги бузоқларнинг қони таркибида Т-лимфоцитларнинг нисбий микдори 55-65 фоизни ташкил қилган бўлса, уларнинг мутлақ микдори 2,3-3,0 мкл/минг дона атрофида бўлди.

Мазкур кўрсаткичлар В-лимфоцитлар бўйича мувофиқ равишда 23-27 фоиз ва 1,0-1,2 мкл/минг донани ташкил қилди. Қон таркибидаги Т- ва В-хужайралар миқдори нотипик микобактерияларнинг турли штаммлари юктирилган тажриба гуруҳлари орасидаги фарқи таҳлил қилинганда 60-90 кунларга келиб, сезиларли ўзгаришлар ҳосил бўлиши аниқланди.

Мазкур хужайралар нисбий ва мутлақ миқдорининг энг юқори даражаси кўзгатувчилар юктирилгандан сўнг 90 кун ўтгач, V-гуруҳ бузоқларининг қони таркибида аниқланиб, бу кўрсаткичлар Т-лимфоцитлар бўйича $65,0 \pm 1,0$ фоиз ва $2,94 \pm 0,06$ мкл/минг донани, В-лимфоцитлар бўйича эса $27,3 \pm 0,9$ фоиз ва $1,23 \pm 0,06$ мкл/минг донани ташкил қилди. Лимфоцитлар миқдорининг энг юқори даражаси бўйича иккинчи ўринда *M. scrofulaceum* юктирилган II-гуруҳ бузоқлари туради ва уларда бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда Т-лимфоцитлар бўйича $61,0 \pm 0,6$ фоиз ва $2,77 \pm 0,03$ мкл/минг донани ҳамда В-лимфоцитлар бўйича $25,6 \pm 2,2$ фоиз ва $1,16 \pm 0,11$ мкл/минг донани ташкил этди. *M. kansasii* юктирилган I-гуруҳ бузоқларининг қони таркибида бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда Т-лимфоцитлар бўйича $60,7 \pm 0,5$ фоиз ва $2,8 \pm 0,02$ мкл/минг донадан, В-лимфоцитлар бўйича $22,7 \pm 0,9$ фоиз ва $1,04 \pm 0,04$ мкл/минг донадан иборат. *M. intracellulare* эталон штамми юктирилган III гуруҳ бузоқларида мазкур кўрсаткичлар миқдори мувофиқ равишда $59,3 \pm 0,3$ фоиз ва $2,61 \pm 0,01$ мкл/минг донагача ҳамда $23,6 \pm 1,6$ фоиз ва $1,03 \pm 0,07$ мкл/минг донага тенг эканлиги қайд қилинди. Ва ниҳоят, *M. fortuitum* юктирилган IV-гуруҳда бу кўрсаткичларнинг миқдори мувофиқ равишда $54,5 \pm 0,7$ фоиз ва $2,3 \pm 0,06$ мкл/минг дона ҳамда $24,7 \pm 0,9$ фоиз ва $1,04 \pm 0,07$ мкл/минг дона эканлиги аниқланди.

Тажриба ва назорат гуруҳидати бузоқларнинг қонида Т- ва В-лимфоцитларнинг миқдорлари орасидаги фарқлар таҳлил қилинганида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди (тажриба гуруҳлари тартиби юқорида келтирилган тарзда берилмоқда):

Бунда Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори назорат гуруҳи бузоқларининг қонидаги мазкур хужайраларга нисбатан мувофиқ равишда 42,5 фоиз, 33,7 фоиз, 33,1 фоиз, 33,0 фоиз, ва 19,5 фоизгача, мутлақ миқдори эса 60,6 фоиз, 51,3 фоиз, 53,0 фоиз, 43,6 фоиз, ва 25,7 фоизга кўпайгани аниқланди. В-лимфоцитларнинг нисбий миқдори 92,2 фоиз, 80,2 фоиз, 59,8 фоиз, 66,1 фоиз ва 73,9 фоизга, мутлақ миқдори эса 115,7 фоиз, 103,5 фоиз, 82,4 фоиз, 80,7 фоиз ва 82,4 фоизга ошгани қайд қилинди.

Шундай қилиб, нотипик микобактерияларнинг турли штаммлари бузоқларнинг иммун тизимига асосан бир хил таъсир ўтказиб, бу таъсир Т- ва В-лимфоцитлар нисбий ва мутлақ миқдорларининг кўпайиши орқали намоён бўлади. Бироқ, Ўзбекистон ҳудудида ажратилган *M. intracellulare*

эпизоотик штаммининг таъсири бошқа қўзгатувчиларга нисбатан бир қадар кучлироқ эканлигини таъкидлаш лозим.

Бунинг сабаби, эҳтимол, мазкур штаммнинг бузоқлар организмига кўрсатадиган патоген таъсирининг кучлироқ эканлиги билан боғлиқдир. Чунки 90 кундан кейин суйилган бузоқлар ёриб текширилганда анчагина чуқур ва кенг ривожланган патологик жараёнлар *M. intracellulare* эпизоотик штамми юқтирилган V-гурӯҳ бузоқларида қайд қилинган.